UO'K: 616–055.2+ 616–006.04+ 616.89–008.45

РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИ САРАТОН КАСАЛЛИГИГА ЧАЛИНГАН АЁЛЛАРДА НОЗОГЕН НЕЙРОПСИХОПАТОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ КЛИНИК, ПСИХОСОМАТИК ТАВСИФИ

Жўраев Шоҳруҳ Жуманазарович – ассистент
Бухора Давлат Тиббиёт Институти (Бухоро, Ўзбекистон)

Rezyume. *Репродуктив ёшдаги аёлларда онкогинекологик касалликлар нейропсихопатологик ўзгаришларини бутун жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, саратон касаллиги билан оғриган аёлларда руҳий тушкунлик, ташвиш, травмадан кейинги стресс синдроми ва бошқа руҳий касалликлар тез–тез учрайди. Руҳий бузилишларнинг даражаси ва табиати саратон турига, касалликнинг босқичига ва беморларнинг индивидуал хусусиятларига қараб фарқ қилиши мумкин. Саратоннинг психологик, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари билан шуғулланадиган психо–онкология кўплаб ривожланган мамлакатларда саратон касаллигини комплекс даволашнинг муҳим қисми сифатида тан олинган. Бутун дунё невролог ва психиатрлари саратон касаллиги эмоционал стресс, депрессияни келтириб чиқаришини эътироф этади, ва табиийки психопатологик ҳолат нейрокогнитив бузилишларнинг ривожланиши учун тайёр ҳолат ҳисобланади.*

Калит сўзлар: *репродуктив, нейропсихопатологик, саратон касаллиги, стресс, депрессия, нейрокогнитив бузилишлар.*

КЛИНИЧЕСКАЯ, ПСИХОСОМАТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА НОЗОГЕННОГО НЕЙРОПСИХОПАТОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ЖЕНЩИН С РАКОМ РЕПРОДУКТИВНОЙ СИСТЕМЫ

Джораев Шахрух Джуманазарович – ассистент
Бухарский Государственный Медицинский Институт (Бухара, Узбекистан)

Резюме. *Мировой опыт нейропсихопатологических изменений онкогинекологических заболеваний у женщин репродуктивного возраста показывает, что депрессия, тревога, синдром посттравматического стресса и другие психические расстройства чаще встречаются у женщин, больных онкологическими заболеваниями. Уровень и характер психических расстройств могут варьировать в зависимости от типа рака, стадии заболевания и индивидуальных особенностей больных. Психоонкология, занимающаяся психологическими, социальными и духовными аспектами рака, признана важной частью комплексного лечения рака во многих развитых странах. Неврологи и психиатры всего мира признают, что рак вызывает эмоциональное напряжение, депрессию, а естественно психопатологическое состояние является готовым состоянием для развития нейрокогнитивных расстройств.*

Ключевые слова: *репродуктивные, нейропсихопатологические, рак, стресс, депрессия, нейрокогнитивные расстройства.*

CLINICAL AND PSYCHOSOMATIC DESCRIPTION OF NON–GENIC NEUROPSYCHOPATHOLOGICAL CONDITIONS IN AFFECTED WOMEN

Joraev Shahruh Jumanazarovich – assistant
Bukhara State Medical Institute (Bukhara, Uzbekistan)

Resume. *The world experience of neuropsychopathological changes of oncogynecological diseases in women of reproductive age shows that depression, anxiety, post–traumatic stress syndrome and other mental disorders are more common in women with cancer. The level and nature of mental disorders can vary depending on the type of cancer, the stage of the disease and the individual characteristics of patients. Psycho–oncology, which deals with the psychological, social and spiritual aspects of cancer, is recognized as an important part of comprehensive cancer treatment in many developed countries. Neurologists and psychiatrists around the world recognize that cancer causes emotional stress, depression, and a naturally psychopathological state is a ready state for the development of neurocognitive disorders.*

Keywords: *Reproductive, neuropsychopathological, oncological diseases stress, depression, neurocognitive disorders.*

Долзарблиги. Бутун дунё невролог ва психиатрлари репродуктив ёшдаги аёлларда онкогинекологик касалликлар нейропсихопатологик ўзгаришларини эмоционал стресс, депрессияни келтириб чиқаришини эътироф этади, ва табиийки психопатологик ҳолат нейрокогнитив бузилишларнинг ривожланиши учун тайёр ҳолат ҳисобланади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра саратон Шарқий Ўрта ер денгизи минтақасида ҳар йил деярли 459.000 кишининг ўлимига сабаб бўлмоқда (2023). Сўнгги беш йил ичида минтақада 1,6 миллионга яқин саратон касаллиги қайд этилган. Ҳар йил қарийиб 734.000 кишига саратон ташхиси қўйилади ва 2040 йилга келиб ушбу касаллик тахминан 50 фоизга кўпайиши башоратланмоқда. Онкологик касалликларга чалинган беморнинг нафақат соматик, балки психологик ҳолатида ҳам чуқур ўзгаришлар кузатилади. Тўсатдан саратон бўлганлигини эшитган инсон аффект ҳолатига тушиб тушкунлик ёки ўта безовталикка чалинади. Ушбу беморларда энг оғир муаммо шундаки, асосий касаллик билан бирга психопатологик ҳолат сурункали сақланади ва ривожланиб боради. Психопатологик ҳолат турли клиник ва психосоматик кўринишлар билан намоён бўлади. 2018 йил дунёда 18,1 миллион нафар саратон касаллиги қайд этилган бўлиб ўлим кўрсатгичлари 9,6 миллионга етган. 2023 йилда эса тахминан 20 миллион нафар янги ҳолатлар қайд этилиб 10 миллион инсон оламдан кўз юмган.

А.Ю. Березанцев ва ҳаммуаллифлар (2012) репродуктив тизимида онкологик касаллиги мавжуд бўлган аёлларда руҳий ўзгариш тобора кўпайишини эътироф этади. Кўкрак бези саратони 40–54 ёшли гуруҳда 29,7 фоизни ташкил этиши билан бирга хавфли кўкрак ва бачадон ўсмалари нафақат ўзининг хавфлилиги, балки алоҳида гуруҳга кирувчи жозибадорликни, аёллик хусусиятини йўқолиши билан кечадиган касаллик ҳисобланади ва кайфиятнинг пасайиши, ўз–ўзини ҳурмат қилиш, қийматини йўқотиш ҳисси туфайли психопатологик ҳолатнинг ривожланишига сабаб бўлади. Ер шарида ҳар йили репродуктив тизими онкологик касалликлари 15–20 фоизга ошиши аниқланган (J. Stagl et al., 2015).

Нозоген реакция – бу турли психотравматик ҳодисалар таъсирида намоён бўладиган психоген касалликларга айтилади ва структураси бўйича психологик, ижтимоий, конституциявий (характерологик) турлари билан фарқланади (J. Moodley et al., 2015). Унинг биологик (соматик касалликлар) омиллари мавжуд бўлиб репродуктив тизими саратонида касаллик ривожланиш босқичи ва оғирлик даражасига кўра хавф ҳақидаги ғоялар, безовталик, аффект ҳолати, тушкунлик, қўрқув, субъектив соматик аломатлар, ижтимоий чеклов, маиший ва касбий фаолиятнинг пасайиши билан намоён бўлади (М.А. Самушия, 2011).

Олимлар орасида психопатологик ҳолатни турли соматик касаллик ва эмоционал ўзгаришларда ўрганилганлиги, унинг ижтимоий, иқтисодий ҳаётга, ҳайт сифатига жиддий таъсир қилишига қарамай, аёллар репродуктив тизими саратон касаллигида унинг ўрганилганлик даражаси, клиник, психосоматик тавсифи етарли маълумотга эга эмас ҳамда чуқур таҳлил қилишга муҳтожлиги билан долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Репродуктив тизими саратон касаллигида нозоген нейропсихопатологик ўзгаришларни ўрганиб таҳлил қилишдан иборат бўлади.

Материал ва усуллар. Тадқиқот 38 ёшдан 56 ёшгача бўлган 72 нафар беморда олиб борилди, уларнинг ўртача ёши 46,2±2,32га тенг бўлди, уларнинг аксарияти онкогинекология бўлимида стационар даво шаклини қабул қилган, кейинчалик ҳар 1–3 ойда амбулатор шароитида доимий назоратда бўлган. Тадқиқот Республика онкология ва радиология илмий–амалий маркази Бухоро филиалида олиб борилган. Истисно, тариқасида таҳлилга тўсқинлик қиладиган жиддий шахс ўзгаришлари бўлган беморлар киритилди. Таҳлил ўтказишдан олдин аёллардан розилик олинган. Репродуктив тизими саратон касаллиги мавжуд беморлар таҳлили психопатологик, нозоген жараёни билан оғриганларнинг кейинги босқидаги даволаш ва реабилитация усулларини танлашда қўл ости кундалигига айланди.

Тадқиқот натижалари. Барча ўрганилган ҳолатларда, турига кўра, репродуктив тизим (кукрак безлари, тухумдон, бачадон) саратони ташхиси қўйилгандан сўнг нозогениялар (ташвиш, қўзғалиш, ўлим қўрқуви, чалкашлик ҳодисалари, салбий туйғу ва "зарба" реакцияси тўсатдан намоён бўлади, бемор умидсизлик ва ночорликка тушиб қолгандек гўё. Кейинчалик, ўз ҳис туйғуларини ойдинлаштирганда ва касаллигини қай даражада қабул қилганлигига қараб (ўртача 2–4 кун) аксарият беморлар касаллигининг даво чораларини излай бошлайди, бунда у химиотерапия ва жарроҳлик орасидаги ўзаро фарқ, устунлик жиҳатини излайди. Ушбу фикр уни гўй талвасага солиб қўяди, безовталик ҳисси кучаяди, уйқусизлик, ҳолсизлик, тушкунлик ҳолатлари кучаяди, 70 фоизгача беморларда суицидал фикрлар мужассамлашади.

Жарроҳлик усулини танлаган, ёки шунга тайёрланган аёлларда эса “кастрация” сўзининг ўзи янада кўпроқ безовталик, тушкунлик ҳолатини чақиради, тез қариш ҳисси, доимий ёшлик, чиройнинг йўқолиш хаёли ўта ташвишли жараён бўлиб намоён бўлади, ёркин ва хаёдий саҳналар тушида вақтинчалик акс этади, бемор хаёлпарастлик дардига учрайди. Нозогениянинг ташхис қўйилган кундан бошлаб ўртача давомийлиги 1,2–1,8 ойни ташкил этади.

Психопатологик баҳолаш натижаларига кўра ташвиш–депрессив реакциялар устунлик қилади. Бундан ташқари нозогениянинг ташвиш–маниакал ва ташвиш–диссоциатив ҳо-

латлари ҳам намоён бўлади. Акцентуал–депрессив, акцентуал–ташвиш/безовталик нозоген ҳолатлар клиник кўриниши умумий хавотирни шакллантириш билан белгиланади, доимий гипотимия фонида (депрессия, кўз ёшлари, гипертрофияланган–пессимистик ҳолат) кўрстаиб ўтилган ҳолатлар даволаш истиқболларини белгилайди. Нозоген белгилар орасида полиморфик ташвиш, безовталик, қўрқув ҳисси устунлик қилади. Нозоген ҳолатларнинг мавжудлиги ушбу онкологик беморларга даволаш муолажасини бошлашга халақит беради, бемор ўз вақтида даволашни бошлаш ўрнига кўпчилик мутахассис ва бошидан ўтказган беморларга бориб маслаҳат олишни бошлайди ва натижада вақтни беҳуда сарфлайди. Саратоннинг тез ривожланиши, метастаз, асоратларнинг пайдо бўлиши ва танатофобияни ташвишли кутиш билан бир қаторда, беморлар кўпинча мавжуд сурункали касалликларнинг (ошқозон яраси, гипертония ва бошқалар) кучайиш эҳтимолидан ташвишга киришади.

Хулоса. Шундай қилиб, ушбу нозоген ҳолатлар билан курашиш бу нафақат психиатр, невролог ва психолог иши, балки ҳар бир мутахассис нозогениялар билан курашиши, беморга тўғри маслаҳат бериши, ўз вақтида даво муолажаларини бошлашга яқиндан ёрдам бериши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Yu Y Ergasheva, Sh Zh Zhuraev. 2022. Depressive disorder and suicide risk among those with liver disease and their association with quality of life. An International Multidisciplinary Research Journal. Т–12. № 5. С – 810–813

2. Ш Ж Жураев. 2022/12/26. Специфические Особенности Развития И Течения Шизофрении У Больных Женского Пола. Ta'lim Va Rivojlanish Tahlili Onlayn Ilmiy Jurnali. Т–2. №12. С–322–326

3. Шохрух Жуманазарович Жураев. 2023/11/17. Клиническая, Психосоматическая Характеристика Назогенного Нервно–Психопатологического Состояния У Больных Некоторыми Онкологическими Заболеваниями Central Asian Journal of Medical and Natural Science. Т–4. № 6. С– 463–466

4. Juraev Shokhrukh Jumanazarovich. 2023 /11/11. Clinical, psychosomatic description of nasoge-nic neuropsychopathological condition in patients with certain oncological diseases Web of Scientist: International Scientific Research Journal. Т–4. № 4. С–69–73.

5. UT Rustamov, MT Tilavov, MB Istamov, J Jo'raev Sh. 2023. Specific Characteristics and Prevalence of Mental Disorders in Oncological Diseases of The Lung and Gastrointestinal Tract. Journal of Advanced Zoology. № 44. С–141–145.

6. Jo'rayev Shohruh Jumanazarovich. 2023–06–11.endogen affektiv buzilishda suitsidning klinik xususiyatlari asosida davolash chora–tadbirlari. Boshqaruv va etika qoidalari onlayn ilmiy jurnali. Т–3. № 6. С–1–6.

7. Juraev Shaxrux Jumanazarovich. 2023.04. 30. Clinical manifestations of depression in adolescents in late adulthood. Norasmal ta'limdagi yevropa jurnali. Т–3. № 4.С–147–150

8. Шоҳруҳ Жуманазарович Жўраев. 2022/11/14.Методы Лечения, Основанные. На Клинических Особенностях Суицида При Эндогенно–Аффективных Расстройствах. Barqarorlik Va Yetakchi Tadqiqotlar Onlayn Ilmiy Jurnali Т–2. № 11.С–98–101

9. Шорух Джуманазарович Джураев.2022. Факторы риска суицидального поведения при аффективных расстройствах у взрослых и подростков. Volume 3 | ISSUE 4 | 2022 ISSN: 2181–1601

10. Sh J Jurayev. 2023/3/18. Risk factors for suicidal behavior in affective disorders in adults and adolescents. Open Access Repository. Т–4. №3. С–693–697

11. Коррекция негативных влияний судорожных припадков на качество жизни пациентов//ЖЖ Ёдгоров – Scientific progress, 2022.Том 3. 61–65.

12. Болаларда кечувчи тутқаноқ хуружи ва эпилепсия: унинг сабаби ва оқибатлари хусусида/ЖЖ Ёдгоров – International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 2022. Том 2. 130–134

13. Neurological, Psycho–Emotional and Some Biochemical Properties of the Pharmacoresistent Form of Epilepsy, Treatment Tactics//YJ Jurayevich – Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali, 2023.Том2.400–403

14. Effectiveness of using modern antiepileptic drugs in pregnant women// J.J. Yodgorov – Open Access Repository, 2023.Том4.711–715

15. Tulqinovich, T. M. (2022). A modern look at anxiety disorders in type 2 diabetes mellitus. Research Journal of Trauma and Disability Studies,1(3), 14–17. Retrieved from http://journals.academiczone.net/index.php/rjtds/article/view/6814

16. Tilavov M.T, Kuchkorov U.I, & Barzhakova G.R. (2022). Evaluation of Neurotic Disorders in the Post–Covid Period and Treatment Tactics.Eurasian Medical Research Periodical,7, 147–150. Retrieved from https://www.geniusjournals.org/index.php/emrp/article/view/117915.

17. Tilavov, M. T.., & Kuchkorov, U. I. (2022). Cognitive Disorders in Different Forms of Schizophrenia and Tactics of Differentiated Therapy. Research Journal of Trauma and Disability Studies, 1(4), 17–23. Retrieved fromhttp://journals.academiczone.net/index.php/rjtds/article/view/64

18. Yodgorov Jasurbek Jo'rayevich (2023). Epilepsiya Kasalligidagi Affektiv Buzilishlarda Neyroimmun Faktorlarning Roli. Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali, 2(8), 26–29.

19. Yodgorov Jasurbek Jurraevich (2023). Clinical Course of Epilepsy in Children, Prognosis and Rehabilitation Issues. European journal of innovationin nonformal education, 3(6), 130–133